



WOMEN IN SUSTAINABLE DEVELOPMENT: SCIENCE AND QUALITY EDUCATION

3RD INTERNATIONAL CONFERENCE



ЎЗБЕКИСТОНДА ГЕНДЕР ТЕНГЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ: ХОТИН- ҚИЗЛАРНИНГ ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ БОШҚАРУВИДАГИ РОЛИ

Т.К.Нарбаева

социология фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати раиси,

О.Мусурманова

педагогика фанлари доктори, профессор
“Оила ва маҳалла” илмий-тадқиқот институти директор ўринбосари,

З.Исмаилова

педагогика фанлари доктори, профессор
Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти-
миллий тадқиқот университети
Хотин-қизлар маслаҳат кенгаши раиси

Kalit soʻzlar: гендер тенглик, халқаро тажриба, гендер тенгликнинг ижтимоий, иқтисодий, маънавий, сиёсий жиҳатлари, тамойиллари, хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатлари, тазйиқ ва зўравонлик, химоя ордери, гендер тенглиги стратегияси, аёллар ва қизларнинг ҳуқуқлари, гендер тадқиқотлар, гендер муносабатлар, хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятлар кафолатлари.

Annotatsiya: Мақолада гендер тенглик ва унинг ўзига хос хусусиятлари, ижтимоий тамойиллари, омиллари, устувор йўналишлари, мазмун ва моҳияти, хотин-қизларни давлат ва жамият тараққиётидаги ролини ошириш, ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасидаги давлат сиёсати ва бу борадаги халқаро тажриба, Ўзбекистонда гендер тенгликни таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишларнинг самарадорлиги илмий жиҳатдан талқин этилган. Шунингдек, муаллифлик ёндашуви асосида хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

ENSURING GENDER EQUALITY IN UZBEKISTAN: THE ROLE OF WOMEN IN STATE AND PUBLIC ADMINISTRATION

Key words: gender Equality, international experience, social, economic, spiritual, political aspects of gender equality, principles, women's labor rights guarantees, harassment and violence, protection warrant, gender equality strategy, Women's and girls ' rights, gender studies, gender relations, guarantees of equal rights and opportunities for women and men.

Abstract: The article scientifically interpreted the effectiveness of work carried out on gender equality and its peculiarities, social principles, factors, priorities, content and essence, increasing the role of women in the development of the state and society, public policy on social support and international experience in this regard, ensuring gender equality in Uzbekistan. Also, based on the author's approach, conclusions and recommendations have been developed.

ОБЕСПЕЧЕНИЕ ГЕНДЕРНОГО РАВЕНСТВА В УЗБЕКИСТАНЕ: РОЛЬ ЖЕНЩИН В ГОСУДАРСТВЕ И ПУБЛИЧНОМ УПРАВЛЕНИИ

Ключевые слова: гендерное равенство, международный опыт, социальные, экономические, духовные, политические аспекты гендерного равенства, принципы, гарантии трудовых прав женщин, домогательства и насилие, ордер на защиту, стратегия гендерного равенства, права женщин и девочек, гендерные исследования, гендерные отношения, гарантии равных прав и возможностей для женщины и мужчины.

Аннотация: В статье научно интерпретирована эффективность проводимой работы по гендерному равенству и ее особенностям, социальным принципам, факторам, приоритетам, содержанию и сущности, повышению роли женщин в развитии государства и общества, государственной политике по социальной поддержке и международному опыту в этом отношении, обеспечению гендерного равенства в Узбекистане. Также, на основе авторского подхода, были разработаны выводы и рекомендации.

“Давлат ва жамият бошқарувида аёлларнинг ўрни ва мавқеини мустаҳкамлаш ислохотларнинг энг устувор йўналиши” дир. Ш.М.Мирзиёев

Кириш. Жаҳонда инсон ҳуқуқларининг таркибий қисми ҳисобланган хотин-қизлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, кафолатлаш ҳамда уларни турли тазйиқ ва зўравонликлардан, камситишлардан ҳимоя қилиш борасида катта тажриба тўпланган. Мамлакатимизда ҳам хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш – ҳукумат олиб бораётган ижтимоий сиёсатнинг устувор масалаларидан бирига айланган.

Шу боис, кейинги йилларда Ўзбекистонда Марказий Осиё давлатлари ўртасида эркаклар ва аёлларнинг гендер тенглигини таъминлаш борасида муҳим чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва бутун халққа мурожаатномасида жамиятимизнинг барча соҳаларида эришилаётган муҳим ютуқлар ва истиқболдаги вазифалар хусусида тўхталиб, гендер тенгликни таъминлаш, оила, оналик ва болаликни ижтимоий ҳимоя қилиш, хотин-қизларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги роли, ҳуқуқ ва манфаатлари, аёлларни меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш борасида амалга оширилаётган изчил сиёсатнинг мазмун ва моҳияти, уларнинг истиқболи ҳақида инновацион ғояларни илгари сурди.

Хусусан, мустақиллик йилларида маҳалла, оила, хотин-қизлар ва ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлаш, бандлигини таъминлаш, камбағалликнинг олдини олиш, фуқароларда ҳаётдан хурсандлик ҳиссини шакллантириш, давлат ва жамият тараққиётида хотин-қизларнинг фаоллигини ошириш каби масалаларга оид 100 га яқин ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди.

1979 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеяси томонидан аёллар ҳуқуқлари бўйича халқаро қонун сифатида эътироф этилган “Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларида барҳам бериш тўғрисида”ги (CEDAW, 1981 йил 3 сентябрда кучга кирган ва 189 давлат томонидан ратификация қилинган) конвенция 1995 йилда Олий

Мажлис томонидан ратификация қилинди.[9]Унинг қатор моддалари имплементация қилинган ҳолда миллий қонунчиликка киритилди.

Мамлакатимиз қонунчилиги тарихида илк мартаба Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги (2019 йил 2 сентябрь) ва “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги (2019 йил 2 сентябрь) Қонунлари қабул қилинди. Бу билан гендер тенгликни таъминлашнинг ҳуқуқий асослари яратилди.

Қонунга мувофиқ давлат органларида гендер тенгликни таъминлаш бўйича маслаҳат кенгашлари ташкил этилди. Ушбу кенгашни бошқаришга масъул меҳнат жамоаси раҳбарининг ижтимоий масалалар бўйича ўринбосари ҳисобланади. Кенгашнинг асосий вазифаси барча бўлимлар, ҳудудий тузилмаларда юқоридан пастига қадар аёллар ва эркаклар учун тенг имкониятлар яратилишини таъминлаб беришдан иборат бўлади. Ойлик иш ҳақларини белгилаш, лавозимларга тавсия қилишда аёллар ва эркакларга тенг қараш, ҳар бир корхона-ташкilotда тайёрланадиган захира кадрлар базасига хотин-қизларнинг номзодларини киритиб, уларни хизмат вазифасида раҳбарлик лавозимларига тайёрлаш каби масалаларни тизимли таҳлил этиб боради, хулосалар беради. Айни чоғда жойларда хотин-қизлар учун яратилган шарт-шароитларни ҳам ўрганади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 июлдаги “Оилавий-маиший зўравонликни профилактика қилиш чора-тадбирларини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-3827-сон, 2019 йил 7 мартдаги «Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4235-сон қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 4 январдаги “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 3-сон, 2021 йил 8-январдаги “Хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари

ва бошқа қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизларга”Ижтимоий шартнома” ва “Ҳимоя ордери” бериш, ижтимоий аҳволи ва турмуш шароити оғир, ишсиз ва ижтимоий фаол бўлмаган хотин-қизларни ҳар томонлама ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш, уларга давлат томонидан манзилли ёрдам бериш бўйича “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” каби янги тизимлар жорий этилди.

Ўзбекистон Республикаси Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссияси ҳамда Олий Мажлис Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси ташкил этилди. Комиссия томонидан 2020-2030 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегияси лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Республикаимиз ҳудудларида тазйиқ ва зўравонликдан азият чеккан аёллар учун 180 та “Тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган шахсларни реабилитация қилиш ва мослаштириш” марказлари ташкил этилди. [7]

Зўравонликдан жабр чеккан аёллар учун ишонч телефони, махсус телеграмм каналлари, Ўзбекистон Республикаси маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳузуридаги “Маҳалла ва оила” илмий-тадқиқот институтида гендер масалаларини илмий ўрганиш бўлими ташкил этилди. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри туман ва шаҳарларида “Хотин-қизлар жамоатчилик кенгашлари”, маҳаллаларда “Аёллар маслаҳат кенгашлари”, таълим тизимининг барча бўғинларида эса ташкилот раҳбарининг хотин-қизлар масалалари бўйича маслаҳатчилари тизими жорий этилди. Шундай қилиб, мамлакатимизда янги Ўзбекистон ва учинчи Ренессанс пойдевори яратилаётган бир даврда гендер тенгликни таъминлаш давлат сиёсатининг бош масалаларидан бирига айланди.

Материалларни асослаш. Эркаклар ва хотин-қизлар тенглигини таъминлаш жамият тараққиёти, фаровонлиги ва тинчлигининг фундаментал пойдевори ҳисобланади. Тадқиқотлар шундан далолат берадики, инсоният пайдо бўлгандан буён эркаклар ва аёлларнинг гендер тенглиги дунё миқёсда долзарб муаммолардан бири бўлиб келмоқда. Тарихдан маълумки, асрлар

давомида турли миллатга мансуб, турли минтакаларда яшовчи аёллар ўзларининг инсоний ҳуқуқлари поймол этилишига қарши курашиб келдилар. Бу курашни урф-одатлар, диний- дунёвий қарашлар ва шахсий-ҳаётий муносабатлар ўрасидаги гендер тенглиги кураши дейиш мумкин.

Гендер тенгликнинг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маънавий омиллари мавжуд бўлиб, уларнинг ўзига хос тарихий тараққиёт босқичлари мавжуд.

18-19 асрларда гендер тенглик ва хотин-қизлар ҳуқуқлари муаммоси сиёсат даражасига кўтарилди. Жумладан, 1791 йилда Францияда таниқли ёзувчи, етук сиёсий арбоб **Олимпия де Гуж** “Аёллар ва фуқаролар ҳуқуқлари” Декларациясини эълон қилиб, аёллар Ҳаракатига асос солди. У биринчилардан бўлиб ажрашиш ҳуқуқини жорий этиш, ноқонуний туғилган болалар ҳуқуқлари учун, ҳомиладор аёллар учун туғруқхоналар, ишсизлар учун миллий устахоналар, уйсизлар учун ётоқхоналар ташкил этиш ғояси учун курашди. [14]

Америка Қўшма Штатларининг жамоат арбоби, аёллар ҳуқуқлари бўйича илк ҳаракатнинг кучли шахси **Элизабет Кэди Стэнтон** 1848 йил хотин-қизлар ҳуқуқлари бўйича биринчи очик конференцияга “Ҳиссиёт Декларацияси”ни тайёрлаб тақдим этади. Унда АҚШ да аёллар тенг ҳуқуқчилиги ва аёлларнинг сайлаш ҳуқуқлари бўйича ташаббусни илгари суради. У “Ёндашувлар ва қарорлар” номли Декларациясида “Барча эркаклар ва аёллар тенг туғиладилар, Оллоҳ уларга ажралмас ҳуқуқларни ато этди, бу ҳуқуқларга: яшаш, эркинлик ва бахтга интилиш киради” деб таъкидлаган эди. Шунингдек, Декларацияда аёлларнинг мулкий, овоз бериш, таълим, жамиятнинг сиёсий ва ижтимоий иқтисодий ҳаётдаги фаол иштироки ҳуқуқини талаб қилди. 1866 йилда “Америка тенг ҳуқуқчилиги” Ассоциациясига асос солдилар ва 1876 йилда олти томлик “Аёлларнинг сайлаш ҳуқуқлари тарихи” тўпламини яратишда иштирок этди. [15]

Буюк Британиялик философ, социолог ва сиёсий арбоб, инглиз файласуфи **Джон Стюарт Милль** “Эркинлик ҳақида”, “Аёлнинг бўйсунуши” асарини ёзиб, унда аёлларга сайлаш ҳуқуқи бериш ғоясини илгари сурди. [16]

Ливанлик таниқли шоира Варда аль-Язиджи аёлларга хат жанри орқали Араб мамлакатларида аёллар ҳуқуқларини баён этди. 1867 йилда “Пушти боғ” номли китобини чоп этиб, унда мусулмон аёлларининг гендер тенглиги масалаларини шеърлари орқали тарғиб этди. [17]

Австриялик ёзувчи, дунёда биринчи тинчлик мукофоти ва иккинчи Нобель мукофоти соҳибаси (1905 йил) **Берта фон Зутнер** ўзининг “Йўқолсин қурол” (1889 йил) ва “Инсоният фикрлари” (1911 йил) номли асарларида тинчлик муаммолари, аёллар ҳаракати ва ҳарбий зўравонликлар ҳақида батафсил маълумот беради. [18]

1913 йилда бўлиб ўтган Гаага “Халқаро тинчлик конгресси” 2 млн. таниқли аёллар мурожаатнома қабул қилиб, дунёда тинчлик учун овоз бердилар. Бир қанча мамлакатларда аёллар парламентга, маҳаллий бошқарувда иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

1939 йил Парижда Бутунжаҳон аёллар Конгресси чақирилди. Унда уруш ва фашизмга қарши Бутунжаҳон аёллар Қўмитаси ташкил қилинди. Иккинчи жаҳон урушидан кейин, аёллар озодлик ҳаракати ва феминизм-аёллар ҳуқуқларини тан олиш сари умумий ҳаракат бошланди.

1945 йилда Парижда бутунжаҳон аёллар аҳволини яхшилаш мақсадида хотин-қизларнинг Халқаро демократик Федерацияси ташкил топди. 1985 йил БМТ Найробида хотин-қизларнинг аҳволи бўйича 3-чи Бутунжаҳон Конференциясини ўтказди. Унда жинсларнинг тенглиги муаммоларига комплекс ёндашув масаласи кун тартибига қўйилди.

1995 йил Пекинда БМТ нинг аёллар бўйича тўртинчи Бутунжаҳон Конференцияси бўлиб ўтди ва унда Ўзбекистон хотин-қизлари илк бор иштирок этдилар. Конференцияда (Beijing Platform for Action) 15 сентябрь куни Пекин Декларацияси қабул қилинди ва унда гендер тенглик масаласи биринчи ўринга кўтарилди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва бошқа халқаро ташкилотлар гендер тенглигини тарғиб қилувчи бир неча конвенцияларни қабул қилдилар. Жумладан, таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош конференцияси 1960 йилда “Таълим соҳасида камситишга қарши кураш тўғрисида” конвенция қабул қилди.

1993 йил БМТ Бош Ассамблеясининг “Аёлларга нисбатан зўравонликка қарши кураш тўғрисида”ги Декларацияси қабул қилинди.

1994 йилда Қоҳирада Аҳолишунослик ва ривожланиш бўйича халқаро конференциясида (ИКПД) йигирма йиллик Қоҳира Ҳаракат Дастури қабул қилинди. Ушбу мажбурий бўлмаган ҳаракат дастурида ҳукуматлар демографик мақсадларни эмас, балки шахсларнинг репродуктив эҳтиёжларини қондириш учун жавобгар эканлиги, оилани режалаштириш, репродуктив ҳуқуқлар бўйича хизматлар ва гендер тенглигини ривожлантириш, аёлларга нисбатан зўравонликни тўхтатиш стратегияси таклиф этилди.

Шунингдек, 1994 йилда Америкада **Белем до Пара** конвенцияси деб номланган “Аёлларга қарши зўравонликнинг олдини олиш, жазолаш ва йўқ қилиш тўғрисида”ги Америкааро Конвенция қабул қилинди. [12]

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Хавфсизлик Кенгашининг 2000 йил 31 октябрда қабул қилинган 1325-сонли қарори (УНСРК 1325) қуролли тўқнашувлар пайтида, ундан кейин аёллар ва қизларнинг ҳуқуқлари ҳимояси масалаларига бағишланган.

Мапуто протоколи аёлларга кенг қамровли ҳуқуқларни, шу жумладан сиёсий жараёнларда иштирок этиш, эркаклар билан ижтимоий ва сиёсий тенглик, уларнинг репродуктив саломатлигини назорат қилиш ва аёлларнинг жинсий аъзоларини таназзулига чек қўйишни кафолатлайди. У Африка Иттифоқи томонидан инсон ва халқларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги Африка Хартиясига протокол шаклида қабул қилинган ва 2005 йилда кучга кирган.[13]

Европа Иттифоқининг 2002/73 / ЭК-сонли йўриқномаси - 2002 йил 23-сентябрдаги 76/207 / ЭЕК-сонли Директивада эркаклар ва аёлларни иш билан таъминлаш, касб-хунарга ўқитиш ва тарғиб қилиш, ишга кириш бўйича тенг ҳуқуқлилик тамойилини амалга ошириш тўғрисидаги ўзгартишларни тузатиш бўйича тенг муносабатда шундай дейилган: "Ушбу Директива мазмуни бўйича таъқиб ва жинсий зўравонлик жинси бўйича камситиш деб ҳисобланади ва шунинг учун тақиқланади." [11]

Европада аёлларга нисбатан зўравонлик соҳасидаги биринчи қонуний мажбурий восита бўлган аёлларга нисбатан зўравонлик ва оиладаги зўравонликнинг олдини олиш ва унга қарши кураш бўйича Европа Кенгашининг Конвенцияси 2014 йилда кучга кирди. Европа Кенгашининг 2014-2017 йилларда гендер тенглиги стратегияси бешта стратегик мақсадга эга.

Гендер тенглик масалалари бўйича илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда. Масалан, Озарбайжон, Арманистон, Белоруссия, Болгария, Грузия, Қозоғистон, Қирғизистон, Молдова, Россия, Тожикистон, Туркманистон, Украина давлатларида гендер мавзуларидаги тадқиқотлар бошқа шифрга боғлаб ҳимоя қилинади. Масалан тарихий йўналишлари бўйича гендер мавзуси тарих шифри, психологик йўналишлари бўйича эса гендер масалалари психология ихтисослиги бўйича тадқиқ этилади [19] .

Финляндия давлати Турку университетида гендер тадқиқотлари бўйича магистрлик дастури гендер ва ижтимоий-гуманитар фанларни бирлаштирган ҳолда олиб борилади. Шунингдек, Тампере университетида эса ижтимоий фанларни тадқиқ қилишда – гендер тадқиқотлари бўйича магистрлар тайёрланади. [10]

Нидерландиянинг Утрехт университети, Вликобританиянинг Линкольна, SOAS Университетлари, Испаниянинг Кастельон-де-ла-Плана, Campus Stellae Instituto Europeo Коста-Риканинг Peace университетларида, Чехиянинг Чарлес университети, Аргентина Universidad de Ciencias Empresariales

Sociales (UCES), Америка Albany университетларида гендер тадқиқотлари бўйича магистрлар тайёрланади. [21]

Американинг California Institute of Integral Studies университети, Вликобританиянинг SOAS Университети, Испаниянинг Universidad de La Laguna университети, Япониянинг Ochanomizu университетларида гендер тадқиқотлар бўйича аспирантлар ҳам тайёрланади.[10]

Шундай қилиб,эркаклар ва аёлларнинг гендер тенглиги масаласи халқаро миқёсда ҳуқуқий,сиёсий,маънавий ва илмий жиҳатдан ўрганилмоқда.

Муҳокама. Давлат ва жамият тараққиётида гендер тенглик юқори даражадаги иқтисодий, ижтимоий, маънавий, сиёсий, ҳуқуқий соҳалардаги тараққиётнинг асоси, мамлакатнинг демократик тараққиёт даражасини кўрсатувчи индикатор ҳисобланади.Гендер тенгликнинг ўзига хос хусусиятлари "гендер тенглиги", "гендер тенгсизлиги", "гендер статистикаси","гендер дифференциацияси ва гендер тизими", "гендер тартиби", "гендер тузилиши", "гендер режими", "гендер муносабатлар", "гендер номуносабатлик", "гендер йўқотиш", "гендер-ҳуқуқий экспертиза" каби қатор категориялар орқали намоён бўлади.

Гендер тенглик аёллар ва эркаклар, қизлар ва ўғил болалар учун тенг ҳуқуқ, масъулият, имконият, қадрият ва натижа ҳисобланади.Гендер тенглик фақат аёлларга тааллуқли масала бўлмасдан, у эркакларнинг ҳам ҳуқуқ ва мажбуриятларини англатади. Гендер тенглик инсонни асосий ҳуқуқлари бўлиб,уни таъминлашда аёлларнинг ҳам, эркакларнинг ҳам ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий манфаатлари, эҳтиёжлари ва устуворликлари ҳисобга олинади.

Миллий қонунчилигимизга кўра "гендер-хотин-қизлар ва эркаклар ўртасидаги муносабатларнинг жамият ҳаёти ва фаолиятнинг барча соҳаларида, шу жумладан сиёсат, иқтисодиёт, ҳуқуқ, мафкура ва маданият, таълим, илм-фан соҳаларида намоён бўладиган ижтимоий жиҳат ҳисобланади".[2].

Гендер тенглиги нафақат аёллар ва эркакларнинг роли, вазифалари ва эҳтиёжлари, балки улар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик билан ҳамоҳангдир.

Гендер тенглиги бу аёллар ва эркаклар учун адолатли бўлиш жараёнидир. Гендер тенглиги аёллар ва эркаклар томонидан ижтимоий аҳамиятга эга бўлган моддий ва маънавий ресурслар, имкониятлар, шарт-шароитлар, қобилият ва салоҳиятдан бир хил фойдаланишни талаб қилади. Бу борада жинслар ўртасидаги тенгсизлик мавжуд бўлган тақдирда, одатда аёллар манфаатлари чекланади. Шу боис, гендер тенглигини таъминлашнинг муҳим хусусияти - бу кучларнинг мутаносиблигини таъминлаш, яъни, эркакларга ҳам аёлларга ҳам ўз ҳаётларини бошқариш, қобилият ва салоҳиятларини намоён этиш имкониятларини кенгайтиришда шарт-шароитлар яратиб беришдан иборатдир.

Гендер тенглиги эркаклар ва аёлларнинг жинсий жиҳатдан бир хил ваколатли бўлишини аниқламайди. Эркаклар ва аёлларнинг биологик жинсий роллари мавжуд бўлиб, бу жараёнда тенгсизлик бўлиши табиий ҳолдир. Ушбу биологик тенгсизлик аёлларнинг ўз салоҳиятларини жамият тараққиётига тўлиқ сафарбар қилишлари, ҳар иккала жинс учун бериладиган имкониятларга салбий таъсир этмаслиги лозим.

Инсоният пайдо бўлгандан буён аёлларнинг ақлий салоҳияти ва қобилият ресурслари, имкониятлардан етарли даражада фойдаланиб келинмаган. Улар жамиятда фаол бўлишда, ўз тақдирини ўзи белгилашда кам ваколатга эга бўлганлар. Албатта бундай тенгсизлик ҳар бир оиланинг мустаҳкамлиги, жамиятнинг тараққиётига тўсқинлик қилади. Агар аёлларга ўз салоҳиятларини тўлиқ ишга солиш тақиқланса, бу ҳар бир оиланинг, жамиятнинг тараққиётини эллик фоизга чеклаш демакдир. Бу эса оилани ҳам жамиятни ҳам таназулга олиб келиши табиийдир. Шу боис, эркаклар ва аёлларнинг салоҳиятлари, имкониятларидан оилани ва жамиятни тараққий эттиришда тенг фойдаланиш, улар учун бир хил шарт-шароит яратиш гендер тенгликни таъминлашнинг асосий тамойили ҳисобланади.

Гендер тенгликни таъминлашда қонунийлик, демократия, очиқлик ва шаффофлик, хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлилиги, жинс бўйича камситишга йўл қўймаслик, ўзаро бир бирини тушуниш тамойиллари [1] муҳим рол ўйнайди. Ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар, хотин-қизлар ва эркакларнинг тенглигини таъминлаш мазкур тамойилларнинг моҳиятини ташкил этади.

Давлат ва жамиятнинг аёл ва эркаклар учун ўз салоҳият ва имкониятларини намоён этишларида бир хил шарт-шароит, бир хил имкониятлар яратиб бериши гендер тенгликни таъминлашда муҳим пойдевор ҳисобланади.

Жинслараро гендер тенгликни таъминлашнинг асосий жиҳатлари мавжуд бўлиб, уларни қўйидагича тасниф этиш мумкин:

-ота-оналарнинг дунёга келишни кутаётган фарзандларига нисбатан бир хил муносабатда бўлиш. Баъзан оилаларда ўғил фарзанд кутилаётган бўлса уни соғлом дунёга келиши учун барча шарт-шароит яратилади, олам-олам орзу-истаклар билан байрамона кутилади. Ўғилни дунёга келтирган онага нисбатан ҳам алоҳида эътибор берилади. Агар қиз бола бўлса унинг акси бўлиши мумкин. Гендер тенгликда ҳар иккала жинснинг дунёга келишига нисбатан бир хил муносабат бўлиши лозим.

-дунёга келган ўғил ёки қиз тарбиясига жинсларга хос стратегик муносабат. Фарзанд дунёга келгач жинсига қараб тарбияланиб боради. Қизларни бўлажак она бўлиш, эрини ва унинг оиласини ҳурмат қилиш, болаларига ва оиласига ҳаётини бағишлаш, рўзғор юмушларини бажариш ролларига тайёрлайдилар. Қизларнинг ўз-ўзини намоён этиш ҳолатлари ўғил болаларга қараганда кўпроқ даражада чеклаб қўйилади. Аёлларнинг ҳуқуқ-атвори тўғрисидаги билимларни қизлар одатда оналаридан оладилар. Оиланинг ҳар қандай аъзоси мавжуд қоидаларни ўзгартиришга ҳаракат қилса, бу нарса тушунмовчиликларга ва ноҳушликлар, энг ёмони оиланинг бошқа аъзолари томонидан низоларга олиб келиши мумкин.

-ҳар иккала жинс фарзандлар ривожланиши учун бир хил шароит ва имконият яратиш;

-таълим олиш, меҳнат тақсимоти, касб эгаллаш, дам олиш, оилавий муносабатларда қарор қабул қилишда тенг имкониятлар бериш;

-репродуктив ва жинсий соғлиқни сақлаш хизматларидан фойдаланишда бир хил ёндашиш. Бу уларга ўзларининг репродуктив ва жинсий соғлиғини сақлаш учун қарорлар қабул қилиш ва чоралар кўришга имкон беради.

-аёл ва эркакнинг ютуқлари, орзу-истакларини ягона мақсад сари бирлаштириш. Баъзан аёл кишининг ҳаётда қўлга киритган ютуқлари, муваффақиятлари, орзуларига нисбатан ишончсизлик ёки лоқайдлик билан муносабатда бўлинади. Бундай вазиятда оилада эркакнинг салбий жиҳатлари яъни рашки, хотиннинг ундан юқори поғонада бўлмаслиги учун ҳаракати, ҳурматсизлиги, тазйиқ ва зўравонлик, шахсий амбиция пайдо бўла бошлайди. Лекин, эркак киши озгина муваффақиятга эришса ҳам кўкларга кўтарилади, унинг келажаги учун барча имкониятлар яратиб берилади, оиланинг барча аъзоларида ғурурланиш ҳисси вужудга келади. Гендер тенгликни таъминлаш учун ҳар иккала жинснинг муваффақияти, орзу-истаклари, истеъдодларини рўёбга чиқиши учун бир хил шароит яратиш мақсадга мувофиқдир;

-турли тазйиқ ва зўравонликлар яъни, жисмоний, жинсий, иқтисодий, психологик, маънавий, тиббий зўравонликлар гендер тенглик бўлган тақдирда пайдо бўлмайди. Инсоният бошига тушадиган мисли кўрилмаган синовлар, муаммолар дунёда оилавий зўравонлик масалаларини энг долзарб муаммолар қаторига чиқаради. Бундай шароитда эса хотин-қизлар энг заиф бўғинга айланиб қоладилар;

-гендер тенглигини таъминлашнинг муҳим жиҳати – иккала жинснинг ақлий ва ахлоқий кучларининг мутаносиблигини таъминлаш ҳамда аёлларга ўз ҳаётларини бошқариш учун кўпроқ автономиялар беришдан иборатдир;

-тенг ҳуқуқли муносабатлар ҳаётнинг барча соҳаларида, шу жумладан, оилада, иш жойида ва умуман жамиятнинг барча жабҳаларида бўлиши

керак. Чунки эркаклар ҳаётига аёллар, аёллар ҳаётига эркаклар албатта таъсир қилади;

- Шарқона гендер тенгликнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд бўлиб, унда эркаклар кўпинча оиланинг моддий таъминотчиси, бошқарувчиси, аёллар эса эркакларга тобе, уларнинг хоҳиш-иродасига кўра иш қилувчи, репродуктив вазифани бажарувчи, фақат оила манфаатлари, фарзанд тарбияси учун масъул сифатидаги ролни бажариб келган. Лекин эркаклар ҳам тарбиячи ролини бажаришга ҳақли ва улар учун бу имкониятларни ривожлантириш зарур. Шу билан бирга, эркаклар болаларнинг соғлиғи ва ўзларининг ва турмуш ўртоғининг жинсий ва репродуктив муаммолари бўйича масъулиятга эгадир.

Аёлни камситиш, унинг жамиятдаги ўрнини фақат қозон-товоқ олдида деб белгилаш анъанаси жаҳон цивилизациясининг барча даврларида мавжуд бўлган. Масалан, қадимги яҳудийлар, юнонлар ва римликларда фуқаролик муносабатларида аёлларнинг аҳволи аянчли бўлган. Баъзи тадқиқотчиларнинг таҳлилича, “ҳозирги кунларда ҳам баъзи мамлакатларда эрли аёлнинг мулкӣ лаёқатсизлиги сақланиб қолган, у мустақил равишда биронта мулкӣ битим туза олмайди. Ҳатто Англияда эрли аёлнинг мулкка эгаллик ҳуқуқи XIX асрнинг 70 йилларида тан олинган¹. [8]

Аслида гендер тенгликнинг негизида жисмонан нозик бўлган аёллар манфаатини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқӣ асосларини такомиллаштириш, уларнинг давлат ва жамият қурилишидаги ролини ошириш, аёллар меҳнатини муҳофаза қилиш, иш соатини қисқартириш, кечки ва оғир ишларда ёш болали оналар меҳнатини тақиқлаш, билим олиши ва касб эгаллаши, саломатлигини ҳар томонлама ҳимоя этиш, фарзанд тарбиясида шарт-шароит яратиш, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаоллигини ошириш, қарор қабул қилишда тенг ҳуқуқликни таъминлаш каби масалалар ётади. Шунинг

¹ Гендер тадқиқоти асослари курси хрестоматияси / Рус тилидан қисқартирилган таржима: доц. З. Бобоева, З. Усмонова. – Т.: “Ўзбекистон”, 2003. – Б. 250. / (В.М. Хвостов. I Психология женщин. II. О равноправии женщин. – М.: 1911. – С. 68.)

билан бир қаторда гендер тенгсизлик оқибатида миллий ва диний урф-одатлар ҳамда оилада аёлларни таҳқирловчи иллатлар яъни, эрта никоҳ, ажримлар оқибатида иқтисодий ва ижтимоий таҳқирланиш, оилавий қашшоқлик, келишмовчиликлар, ишсизлик, жинсига кўра камситиш, зулм ўтказиш, низо ва зиддиятлар, касб ўрганишига имконият қолдирмайдиган, иқтисодий қарамликка олиб келадиган ҳолатлар вужудга келади.

Инсониятнинг ривожланиш тарихи шундан далолат берадики, эркакда ҳам аёлда ҳам ўзи ишонган ақидаларга риоя қилиш хусусияти кучли бўлади. Аёлларга бўлган муносабат эса инсон ҳуқуқларининг бир бўлаги сифатида турли минтақаларда, турли тузумларда, миллий маданиятда, турли диний таълимотларда ва урф-одатларда турлича яъни, баъзан бир-бирига зид, баъзан эса жуда ўхшаш кўринишларда намоён бўлади.

Шунинг учун гендер тенгликнинг таъминланиши ҳар бир давлатнинг, миллатнинг урф-одатлари, диний қарашлари ва ақидаларга ҳам боғлиқ.

Шу нуқтаи назардан, аёл ҳуқуқлари инсонларнинг ижтимоий ҳаёти, жамиятдаги муносабатлар, шахснинг ҳаёт тарзи билан боғлиқ муаммо бўлиб, ҳар бир жамиятда аёлларга бўлган муносабат инсонларнинг ўзаро муносабатлари, хулқатворлари, урф-одатлари, диний ақидалари, мустаҳкам ўрнашиб қолган қарашлари ва маънавияти билан белгиланади.

Гендер тенгликни таъминлашнинг муҳим хусусиятларидан бири аёл кишининг эркакка жисмоний қобилияти жиҳатдан қарамлиги ҳисобланади.

Оилада юмушларида, қишлоқ хўжалигида ва саноатда жисмоний куч биринчи ўринни эгаллаб келган. Шунинг учун ушбу соҳаларда эркакка нисбатан жисмонан ожизроқ бўлган аёл эркакка ён беришга мажбур бўлади.

Ўзбекистон Республикасида аёлларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги иштирокини кенгайтириш, уларнинг инсоний ҳуқуқлари, шаъни, кадр-қимматини сақлаш борасида самарали фаолият олиб бормоқда. Мамлакатимизда гендер тенгликни таъминлаш борасида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар эса хотин-қизларнинг бу борадаги саъй-ҳаракатларни кенгайтириш, жамиятдаги амалга оширилаётган демократик

ислохотларни янада чуқурлаштириш ва ватанимиз тараққиётини юксалтиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Ҳозирда Ўзбекистон қонунларида аёлларнинг ҳуқуқий тенглигига тўлиқ эришилган. Бу борада Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Оила кодекси, Фуқаролик кодекси, Меҳнат кодекси ва уларда аёлларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари белгилаб берилган. Ўзбекистоннинг гендер тенгликни таъминлаш борасидаги давлат сиёсати бутун дунё миқёсида эътироф этилмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 2020 йил 23-сентябрдаги 75-сессиясида шундай деган эди: “Жамиятни сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий модернизация қилиш бўйича кенг кўламли чора-тадбирларимиз натижасида янги Ўзбекистон шаклланмоқда. Бугунги кунда мамлакатимиздаги демократик ўзгаришлар ортга қайтмайдиган тус олди.

Биз учун гендер тенглик сиёсати устувор масалага айланди. Хотин-қизларнинг давлат бошқарувидаги ўрни тобора кучаймоқда. Янги Парламентимизда аёл депутатлар сони икки баробарга кўпайди”. [7]

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси ҳам «хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги ўрнини кучайтириш, оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш»²[3], шунингдек «... хотин-қизлар ва ёшларни давлат томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш...»³ [5] каби вазифалар назарда тутилган. Шу билан бирга, стратегияда таъкидлаб ўтилганидек, БМТ нинг Барқарор ривожланиш мақсадларини изчил амалга ошириш бўйича тизимли ишларни ташкил этиш мақсадида мамлакатимизда 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифалар қабул қилинган. Бу йўналишдаги бешинчи мақсад

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси»ги Фармони .

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга мурожаатномаси // Халқ сўзи. – 2018. – 29 дек.

гендер тенгликни таъминлаш ҳамда барча хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтиришдир. Бу эса, ўз навбатида, ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий ва бошқа соҳаларни қамраб олади. Ушбу вазифаларни бажариш учун барча давлат ва нодавлат ташкилотлари, ҳар бир фуқаро масъулдир.

2020 йил 29-декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев Олий Мажлисга қилган мурожаатномасида мамлакатимизда “давлат ва жамият бошқарувида аёлларнинг ўрни ва мавқеини мустаҳкамлаш ислохотларнинг энг устувор йўналиши” эканини таъкидлаб, аёлларнинг давлат бошқарувидаги ўрнининг сўнги йиллардаги ижобий ўсиш натижаларини таҳлил қилиб ўтди. Президент ўз нутқида давлатимиз олдида турган “эндиги вазифа аёлларнинг жамиятдаги нуфузини оширишдан иборат” эканлигини билдирди ҳамда аёлларга янада кенг имкониятлар яратиш бўйича навбатдаги қадам сифатида аёллар муаммоларини яхши биладиган, ташаббускор аёллардан иборат Республика хотин-қизлар жамоат кенгашини ташкил этишни таклиф қилди.

Дарҳақиқат, ҳозирги кунда мамлакатимизда аёллар соғлиқни сақлаш, таълим тизимида, давлат бошқарувининг турли йўналишларида, тадбиркорлик фаолиятида фаоллик кўрсатмоқдалар. Юртимизда тадбиркор ва фермер хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш борасида қўшимча кафолатлар берилди. Шунингдек, мамлакатимизда мавжуд бўлган тадбиркорлик субъектларининг 20 фоиздан ортиғига хотин-қизлар раҳбарлик қилмоқда.

Ўзбекистон тарихида биринчи марта миллий парламентда хотин-қизлар сони БМТ томонидан белгиланган тавсияларга мос даражага етди. Мамлакатимиз парламенти хотин-қизлар сони бўйича дунёдаги 190 та миллий парламент ўртасида 37-ўринга кўтарилди. Шунингдек, парламент тарихида биринчи марта Олий Мажлис Сенати раислигига сиёсий етук, ҳуқуқий саводхон катта ҳаётий тажрибага эга аёл сайланди.

Айни дамда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида 48 нафар аёл депутат (32 фоиз), Олий Мажлис Сенати аъзоларининг 20 фоиздан кўпроғи аёллар ҳисобландилар, Маҳаллий Кенгашлар депутатларининг 31 фоизини ҳам айнан аёллар ҳиссасига тўғри келади. Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда турли даражадаги давлат ва жамоат ташкилотлари тизимида шу жумладан, вазирлик ва идораларда маҳаллий ижроия ҳокимияти органларида 1500 нафардан ортиқ хотин-қиз раҳбарлик лавозимларида фаолият юритмоқда. Давлат бошқарувида хотин-қизлар иштирокини ошириш мақсадида 6 мингдан зиёд фаол хотин-қиздан иборат кадрлар захираси шакллантирилди. Ҳозирги кунда уларни турли раҳбарлик лавозимларига тайинлаш бўйича тизимли ўқувлар ташкил этилмоқда. Ички ишлар вазирлиги тизимида 16 нафар аёл раҳбарлик, 6 нафар аёл ҳокимлик лавозимини эгаллади. Турли даражадаги давлат мукофоти совриндори бўлган хотин-қизлар сони 2 минг 224 нафарга етди. Бугунги кунга қадар 577 нафар аёл “Мўътабар аёл” кўкрак нишони билан тақдирланди.

Катта компаниялар ва нодавлат ташкилотлар ходимларининг умумий сонидagi хотин-қизлар улушида деярли тўлиқ гендер тенглик таъминланган бўлиб, кўрсаткичлар йилдан йилга ошиб бормоқда.

Хулоса. Шундай қилиб, демократик давлат ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш кўп жиҳатдан гендер тенгликни таъминлашга боғлиқ.

Зеро, бугун бизнинг жамиятимиз янги сиёсий муносабатлар шаклланиши, учинчи ренессанс жараёнининг илк босқичида турибди. Ушбу жараёнда эркаклар ва аёллар ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маънавий ва бошқа соҳаларда гендер тенглигини таъминлаш, айниқса хотин-қизларнинг давлат ва жамият қурилишидаги иштирокини такомиллаштириш талаб этилади. Бунинг учун хотин-қизлар ва эркаклар меҳнати сифатини баҳолаш, сиёсий жараёнларга, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига кенг жалб этиш бўйича фундаментал механизм яратилмоқда. Шунингдек, давлат органларида нодавлат ва хусусий ташкилотларда, айниқса, қарорлар қабул қилиш билан боғлиқ юқори лавозимларда аёлларнинг тенг вакилликни

таъминлаш сиёсатини такомиллаштириш, жамоатчилик онгида эркаклар ва аёлларнинг ўрни ҳақидаги тушунчаларни ўзгартиришга қаратилган саъй-ҳаракатларни амалга ошириш каби масалалар икки тоифа вакилларининг ҳуқуқларини тенглаштириб, ғурурларини юксалтиради.

Тадқиқотлар шундан далолат берадики, бу борада юқори самарадорликка эришишда қуйидагиларга эътиборни кучайтириш лозим:

-таълим муассасаларида ўқитиладиган ижтимоий-гуманитар фанлар мазмунига ушбу масала бўйича устуворлик бериш; таълим муассасаларида “Гендер тенглик стратегияси ” махсус курсларини, назарий-методик лабораторияларни ташкил этиш ва улар учун дастурий маҳсулотларни яратиш мақсадга мувофиқдир;

- гендер тенгликни таъминлашнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий, руҳий ва бошқа жиҳатлари бўйича рукунли рисоалар, эсдаликлар, видеоматериаллар, онлайн дастурлар, кўргазмали тарғибот маҳсулотлари(плакатлар, буклетлар ва б.қ) ва бошқаларни яратиш ҳамда уларни ҳар бир оилага кириб боришини таъминлаш механизми яратилиши зарур;

-маҳаллалар,таълим муассасаларида “Гендер тенглик” марказлари ташкил этиш орқали миллий ва халқаро қонунчиликда гендер тенгликнинг мазмун ва моҳиятини улар онгига сингдириш лозим;

- гендер муаммоларига оид қизиқтирган саволлар бўйича маслаҳатлар олиш ва бериш мақсадида МООКлар(Оммавий очик онлайн сайтлар)ни йўлга қўйиш, вебинарлар (вебсеминарлар, вебконференциялар, вебдебатлар, веб мурожаатлар, методик вебсаҳифалар ва б.қ), Ўзбекистон Республикасида эрта турмуш ва эрта туғруқ ҳолатлари ҳамда оилавий ажралишларни бартараф этиш бўйича мультимедия маҳсулотларини яратиш ва Ўзбекистонда гендер муаммоларини ўрганиш, тарғиб этиш, мониторингини юритиш, гендер тадқиқотлар электрон платформасини яратиш мақсадга мувофиқдир. Бу жараёнда эса ёшларни соғлом оилавий ҳаётга тайёрлаш масалалари бўйича, ёш йигит ва қизларнинг турмуш борасида қизиқтирган саволларига жавоблар топишда, оила, таълим муассасалари ва фуқаролик

жамияти институтлари ҳамкорлигини кенгайтишида, намунали оилалар, эркаклар ва аёлларнинг ҳаётий тажрибаларидан хабардор бўлишда жуда кенг аудитория (турли тоифа жинслар, оилалар, турли касбдаги оналар, қайнона-келинлар, йигитлар ва қизлар, мутахассислар ва б.к.) нинг камраб олиниш имконияти вужудга келади;

-бугунги кунда мамлакатимиз ва халқаро майдонда ўз салоҳиятини намоён этган гендер муаммолари бўйича фундаментал, инновацион ва амалий тадқиқот ишларини амалга оширган илмий мактабларни яратилиши, улар томонидан гендер масалалари бўйича долзарб муаммолар юзасидан методик таъминотни яратиш, тажриба-синов натижалари асосида ишлаб чиқилган хулоса ва тавсияларни оилалар, таълим муассасалари, барча ташкилотлар амалиётига татбиқ этиш лозим;

-Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги, “Хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликни олдини олиш тўғрисида”ги қонунларни айнан зўравонликларга дуч келаётган ёки дуч келиш эҳтимоли бўлган хотин-қизлар ўртасида тушунарли, содда ва мисоллар ёрдамида кенг тушунтириш, буклетлар чоп этиб, муаммоли оилаларга тарқатиш мақсадга мувофиқ;

-аҳоли ўртасида тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизларга “ҳимоя ордери” бериш, ижросини таъминлаш ва мониторинг олиб бориш бўйича ишларини янада фаоллаштириш мақсадида маҳалла фаолларини, тарғиботчи гуруҳ аъзоларини ҳамда маҳаллий кенгаш депутатларни ҳам кенг жалб этиш мақсадга мувофиқдир;

-олий таълим муассасаларида гендер масалалари бўйича мутахассисликлар очилишини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ;

-гендершунос илмий кадрлар тайёрлаш учун гендер тадқиқотлар соҳасидаги фалсафа (PhD) ва фалсафа (DSc) доктори илмий даражалари олишни таъсис этиш шунингдек, Илмий кенгаш ва докторантуралар очиш, гендер тенглик йўналишидаги ишларни узлуксиз ташкил қилиш ва такомиллаштириш, уларни янги сифат босқичига кўтариш масалалари

ижросини таъминлаш, гендер йўналишини фан соҳаси сифатида академик соҳалар реестрига киритиш давр талабидир.

ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР:

- [1]. Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни(2019 йил 2 сентябрь)
- [2]. Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни(2019 йил 2 сентябрь)
- [3]. Мирзиёев,Ш.М.(2022). Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси»ги Фармони .
- [4].Мирзиёев,Ш.М.(2020). Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 2020 йил 23-сентябрдаги 75-сессиясидаги нутқи.
- [5]. Мирзиёев,Ш.М.(2018).Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга мурожаатномаси // Халқ сўзи. – 2018. – 29 декабрь.
- [6].Мирзиёев,Ш.М.(2020).Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга мурожаатномаси. // Халқ сўзи. – 2020. – 29 декабрь.
- [7].Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 4 январдаги “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 3-сон қарори.
- [8].Гендер тадқиқоти асослари курси хрестоматияси / Рус тилидан қисқартирилган таржима: доц. З. Бобоева, З. Усмонова. – Т.: “Ўзбекистон”, 2003. – Б. 250. / (В.М. Хвостов. I Психология женщин. II. О равноправии женщин. – М.: 1911. – С. 68.)
- [9].https://en.wikipedia.org/wiki/Convention_on_the_Elimination_of_All_Forms_of_Discrimination_Against_Women
- [10]. <https://www.masterstudies.ru/Magistratura/>.
- [11].[https://ru.wikipedia.org/wiki/Список_директив_Европейского_союза_\(по_политике_в_области_конкуренции](https://ru.wikipedia.org/wiki/Список_директив_Европейского_союза_(по_политике_в_области_конкуренции)
- [12].https://ru.qaz.wiki/wiki/Belém_do_Pará_Convention - Белен-до-Пара 1994
- [13].https://ru.qaz.wiki/wiki/Maputo_Protocol - Мапутто протоколи
- [14].https://ru.wikipedia.org/wiki/Олимпия_де_Гуж - Олимпия де Гуж
- [15].https://ru.wikipedia.org/wiki/Кэди_Стэнтон,_Элизабет-Кэди Стэнтон, Элизабет
- [16].https://ru.wikipedia.org/wiki/Милль,_Джон_Стюарт - Милль, Джон Стюарт
- [17].<https://ru.wikipedia.org/wiki/Язиджи> - Варда аль-Язиджи
- [18].https://ru.wikipedia.org/wiki/Зутнер,_Берта_фон - Зутнер, Берта фон
- [19].<https://cyberleninka.ru/article/n/deyatelnost-vysshey-attestatsionnoy-komissii-v-dovoennyu-period-stalinizma>
- [20].<https://www.ehess.fr/fr/master-%C3%A9tudes-sur-genre-sociologie-histoire-anthropologie>